БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 43 (4142).
21 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19 апрель—коммунистик шанбалик куни

БЕШ ЙИЛЛИК ФОНДИГА

Тошкент металлни қайта ишлаш ишлаб чиқариш бирлашмаси цехлари ва участкаларида коммунистик шанбаликка ҳозирлик қизғин тус олган. Ҳар бир ишчи шу куни юксак унум билан меҳнат қилиб, кунлик топшириқларини 1,5—2 баравар бажаришга аҳд қилмоқда.

Корхонанинг барча ишчи ва хизматчилари бир тан, бир жон бўлишиб меҳнат байрамига чиқишади, шундан 1200 нафар ишчи ўз станоклари ёнида, қолганлар эса корхона территориясида меҳнат қилишади.

Корхона меҳнатчилари қизил шанбаликда жами 37 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Бу ҳар кунгидан 2000 сўмлик кўп, демакдир. Шунингдек, хизматчилар бирлашма атрофини ободонлаштириб, кўплаб мевали ва манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари ўтказадилар.

Икки ярим минг сўмлик иш ҳақи эса ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилади.

24 февраль — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ЁШ САЙЛОВЧИЛАР ҚУВОНЧИ

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтига жойлашган агитпункт бугун ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Невараларини етаклаб олган қариялар, чиройли кийинган ёш-яланглар, студентлар, атроф маҳаллалардан келган кишилар сайлов куни-ни орзиқиб кутмоқдалар. Сайлов қутиларини, овоз бериш хоналарини қизиқиш билан томоша қилаётган бир группа ёш йигит ва қизлар диққатимизни тортди.

— Биз бу сайловда биринчи марта иштирок этяпмиз, шу сабабли бироз ҳаяжондамиз, — дейди саноат ва граждан қурилиши факультетининг студенти Отамурод Валиёров.

Биринчи марта овоз бераётганлардан бири Мавлуда Қаҳҳорова эса агитаторлардан жуда хурсанд.

— Сайлов кунини орзиқиб кутар эканман, вазифамни, депутатликка кимни сайлаётганимни ҳам яхши биламан. Улар билан бўлган учрашувларда иштирок этдим,—дейди Мавлуда Қаҳҳорова.

Институт студентларининг қувончи бежиз эмас. Студентларнинг ўқиши, дам олиши ва спорт билан шуғулланиши учун шароит тобора яхшиланиб бормоқда. Шу йилнинг ўзидаёқ институт стадиони капитал ремонтдан чиқарилди. Волейбол, баскетбол майдонлари асфальтланди. Қишки спорт зали қурилиши ишлари авжида.

Институт студентларининг ётоқхоналари ҳам худди байрамлардагидек безатилган. Бу ерда сайлов олдидан турли хил суҳбатлар, концертлар уюштирилмоқда. Сайлов куни уч мингдан ортиқ сайловчи муносиб номзодлар учун овоз берадилар.

М. ТОШБОЛТАЕВ,
Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти ўқитувчиси, техника фанлари кандидати.



РЕСПУБЛИКА ПОЙТАХТИГА — ҚИЗИЛ БАЙРОҚ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ТЎРТ ЙИЛДАН БУЁН СУРУН КАСИГА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, БУТУНИТТИФОҚ КАСАБА СОЮЗЛАРИ МАРКАЗИЙ СОВЕТИ ВА ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҚЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНАЯПТИ

Тошкент шаҳри бундай мукофотга Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришганлиги, юксак ишлаб чиқариш ва иш сифатига эришганлиги, 1979 йилда иқтисодий ва соцнал ривожланиш планини муваффақиятли бажарганлиги учун эришди.

Тошкент кўчма Қизил байроққа сазовор бўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон Компартияси шаҳар комитетининг мажлислар залида шаҳар меҳнат коллективлари вакиллари, партия, совет, касаба союз, комсомол ходимларининг митинги бўлиб ўтди.

Залда ҳозир бўлганларнинг гулдурос қарсаклари остида ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди.

Митингни Ўзбекистон Компартияси шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин очди. Республика Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар арафасида Тошкентга бундай юксак мукофот берилганлиги, деди у, пойтахтимиз саноат корхоналари коллективларининг меҳнатига муносиб мукофотдир. Улар йиллик топшириқни ҳамда беш йилликнинг тўрт йиллик планини муддатидан илгари бажардилар ва планга қўшимча 340 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқардилар. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш жажмини ўстиришнинг 86 процентдан кўпроғига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди.

Тошкентликлар ўнинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилини КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми ҳамда СССР Олий Совети иккинчи сессиясининг қарорларида белгилаб берилган жанговар программа асосида бошладилар. Бугунги кунда пойтахтнинг 12 мингдан кўпроқ меҳнаткашлари ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқда, 125 минг киши ана шу маррага В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигигача эришишга қарор қилди.

Митингда сўзга чиққан В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Н. Маннопов, якка тартибда пойафзал тикиш ва ремонт қилиш «Илғор» ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитетининг раиси Д. Юсупова, 1-уйсозлик комбинати бетончилар бригадаси бошлиғи, СССР Давлат мукофоти лауреати И. Х. Орипов, 4-дон маҳсулотлари комбинати коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Ю. И. Климов ва бошқалар ўз коллективлари эришаётган шонли меҳнат ютуқлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Бундай ютуқларга,— деб таъкидлашди нотиқлар,— ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг катта меҳнат ғайратлари туфайли эришилмоқда. Бунга совет кишиларининг мисли кўрилмаган даражада кўтарилаётган ватанпарварликлари, уларнинг ўз социалистик Ватанларига бўлган муҳаббатлари, социалистик мусобақанинг кенг авж олдирилганлиги кўп жиҳатдан имкон бермоқда. Митинг қатнашчилари тошкентликларнинг меҳнатига берилган юксак баҳо учун партия ва ҳукуматга қизғин миннатдорчилик изҳор этдилар, шаҳар меҳнаткашлари номидан халқ хўжалигининг ҳамма участкаларида бундан буён ҳам юксак ютуқларга эришамиз, деб ишонтирдилар.

— Умумхалқ социалистик мусобақаси шаҳримизда янги куч билан кенг қулоч ёймоқда,— дейди тўқимачилик комбинати тўқувчиси, СССР Олий Совети депутати Д. Б. Қулматова. — Шу муносабат билан корхона ва ташкилотларнинг коллективлари якунловчи йил учун қандай юксак марраларни белгилаётганликлари тўғрисида кўпгина мисоллар келтириш мумкин. Ана шу якка тартибда ва коллектив бўлиб қабул қилинган мажбуриятлар замирида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилини зарбдорчасига, ленинчасига ишлаш йилига айлантиришдек муҳим масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ бўлган ишлар ётибди. У тошкентликларни республика пойтахтини коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш, 1980 йил планнинг — 25 декабрга бажариш, маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича беш йиллик топшириқни шу йил 28 ноябрда бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарфлашга даъват этди.

Митинг қатнашчилари ҳузурида Ўзбекистон Компартияси шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров сўзга чиқди. У шаҳар социалистик мажбуриятларининг туб моҳиятларини характерлаб, энг яхши коллективларнинг илғор иш тажрибаларини кенг ёйишга юксак баҳо берди. У. У. Умаров пойтахт барча меҳнаткашларининг фикр ва туйғуларини ифодалаб, Коммунистик партияга, КПСС Марказий Комитетининг, тинчлик ва халқлар бахт-саодати учун толмас курашчи Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросига самимий миннатдорчилик изҳор этди.

Митингда КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга якдиллик билан табрикнома қабул қилинди. Табрикномада тошкентликлар юксак мукофотга жавобан халқ хўжалигини ривожлантиришда янгидан-янги ютуқларга эришиш, якунловчи йил ва умуман беш йиллик план ва мажбуриятларини шараф билан бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар, деб ишонч билдирилди.



М. Нуриддинов фотолари.

УНИВЕРСИТЕТ МАШҒУЛОТИ

Ҳамза район партия комитети ҳузурида ташкил этилган ҳуқуқ билимлари халқ университети мунтазам ишлаб турибди. Унинг машғулотларида корхона ва муассасалар, партия ташкилотлари секретарларининг ўринбосарлари, касаба союз комитетларининг раислари, халқ судларининг раислари, кадрлар бўлимлари ходимлари, юристлар қатнашадилар. Машғулотларни ўтказиш учун Ўзбекистон ССР прокуратурасининг ходимлари жалб этилган.

Навбатдаги машғулотни республика прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғининг ўринбосари Г. М. Таубс ўтказди. У «Ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат интизомини мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий методлари» ҳақида суҳбат олиб борди. Шундан кейин тингловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар олдилар.

БАҲОР ТАРАДДУДИ

БУГУН

Тошкент манзарали боғдорчилик совхозининг миришкорлари Совет Армиясининг байрами учун бир неча хил анвойи гулларини тайёрладилар. Улар байрам арафасида гул дўконларига чиқарилади. Бундан ташқари яқинлашиб келаётган халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан ҳам муносиб совғалар тайёрланмоқда.

Хўжалик коллективининг шу кунлардаги юмуши одатдан ташқари кўпайиб қолди. Гулчилар баҳор фасли учун қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Улар теплицаларда етиштирган 4 миллион тур гул кўчати яқин вақтлар ичида тупроққа кўчирилади. Бу гуллар шаҳримизнинг йирик магистраллари, ҳиёбонлари, боғлари ва оромгоҳларини безайди.

Баҳор фаслида олиб бориладиган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари учун 216 минг туп турли хил дарахт кўчатлари ҳозирланмоқда.



Пойтахтнинг Фрунзе районидаги 29-сайлов участкасида Ўзбекистон ССР Олий Советига ва маҳаллий Советларга бўладиган сайловларга пухта тайёргарлик кўриб қўйилди.

СУРАТДА: (чапдан-ўнгга) агитаторлардан И. Кравцова, М. Самойленко ва Н. Сиростан ўртоқлар сайловчилар рўйхатини сўнгги бор кўздан кечирмоқдалар.

ҲАММА НАРСА МУҲАЙЁ

Чилонзор районидаги мактабларарО ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида ташкил этилган 27-сайлов участкаси ҳудди байрамлардагидек безатилган. Ҳовлига кираверишдаги «27-сайлов участкаси» деган ёзув, сайлов кунини кўрсатувчи календарь диққатни жалб этади.

Агитпункт деворларига В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига атаб тайёрланган экспонатлар осилган; стол устига адабиётлар, альбомлар, газета ва журналларнинг янги сонлари териб қўйилган. Бу ерда Совет сайлов системаси ҳақидаги қонунлар, СССР Конституциясига бағишланган рангли расмлар ва турли хил схемалар бор.

5-таксопарк директори К. Б. Насриддинов мудирлик қилаётган агитпунктда 52 нафар агитатор сайловолди агитация ва пропаганда ишларини олиб боришди. Улар 18 — 19-кварталларда истиқомат қилувчи сайловчилар хонадонларида тез-тез бўлиб, сайловолди тушунтириш ишларини олиб боришди, сайловга таклиф қоғозлари тарқатишди.

— Участкамиз территориясида 3520 сайловчи истиқомат қилади, — дейди участка сайлов комиссияси раиси ўринбосари Л. А. Чертанов. — Депутатликка номзодлар ҳамда ёш сайловчилар билан учрашувлар, суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ўтказилди. Хуллас сайлов қутилари ва бошқа зарур нарсалар ҳаммаси тахт. Биринчи бор овоз берувчилар бурчаги, юридик консультация столи ишлаб турибди.

24 февраль куни 27-сайлов участкасининг уч ярим мингдан ортиқ сайловчилари халқимизнинг асл фарзандлари учун якдиллик билан овоз беради ва ўзларининг граждалик бурчларини ado этадилар.

М. БОБОЖОНОВ.

АЛОҚА ТЕХНИКАСИ ХИЗМАТДА

Якшанба куни бўладиган сайловларга алоқа техникаси ходимлари қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Чунки сайловчиларнинг берган овозлари ҳақидаги маълумотларни тезкорлик билан тўплаш биринчи навбатда алоқа техникаси билан амалга оширилади.

Республика алоқа министрлигида мухбиримизга маълум қилишларича, республикадаги сайлов участкаларининг деярли барчаси телефонлаштирилган. Бундан ташқари телефон алоқаси ўрнатиш қийин бўлган тоғли районлар билан алоқа боғлашнинг чора ва тадбирлари кўрилмоқда. Ана шу мақсадда министрликнинг раҳбарлари, тажрибали мутахассислари республикамизнинг барча областлари бўйлаб жўнаб кетишди. Бу ҳақда министрлик кадрлар бошқармасининг бошлиғи Мубарро Ҳамидовна Хонхўжаева бундай деди:

— Министрлик аппаратининг раҳбарлари ва мутахассислари шу ҳафтада Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Қорақалпоғистон ва бошқа областларига йўл оляпмиз. Бизнинг биринчи ва шарафли вазифамиз сайлов куни участкалар, сайлов округлари, сайлов комиссиялари ўртасидаги алоқа техникаси ишларини намунали йўлга қўйишдир. Ана шу мақсадда Тошкент алоқа техникаси институти ва алоқа техникумининг юқори курс студентларидан 200 га яқин киши тоғли районларга сафарбар қилинди. Қўлидан иш келадиган бу студентларимиз телефон алоқаси ўрнатилмаган тоғли жойларга радио алоқаси ускуналарини ўрнатиб ишга туширадилар. Бунинг учун етарли техника воситалари ажратилди.

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

Киров ва Собир Раҳимов районларининг мусобақадош саноат корхоналари коллективлари ўзларининг зарбдор меҳнатларини доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишлаб, 1980 йилнинг биринчи ойида пландан ташқари 881 минг сўмлик маҳсулот реализация қилдилар. Товар ва ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг юксак суръатига эришилди. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг тўла ўсишига меҳнат унумдорлигини ўстириш эвазига эришилди.

Янгийўллик ва ростовликларнинг «Қолоқларсиз ишлайлик» ташаббусини кенг қулоч ёйдирган районларнинг саноат корхоналари коллективлари товар маҳсулот реализация қилиш бўйича январь ойи планларини муваффақиятли уддаладилар.

Шу йилнинг ўтган ой мажбуриятлари ва топшириқларининг қандай бажарилганлиги тўғрисида бугун газетанинг иккинчи саҳифасида ҳикоя қиламиз.

Газетамизнинг кейинги сонларида биз Ленин ва Фрунзе, Ҳамза ва Куйбишев, Октябрь ва Чилонзор, Акмал Икромов ва Сергели районлари меҳнат коллективлари ўртасидаги йилнинг биринчи ойи мусобақаси якунлари тўғрисида сўз юритамиз.

ВАГОНЛАР БИР МИНУТ ҲАМ БЕКОР ТУРМА СИН

НАВБАТЧИ ПОСТЛАР КЕРАК

Айниқса якшанба куни темирйўлчилар билан юк қабул қилувчилар ўртасида қийинчиликлар содир бўлмоқда. Ҳамон барча корхоналарда ҳам навбатчи пунктлар ташкил этилган эмас. Шунинг учун жума куни кечқурун Тошкент станцияларига келган вагонлар кўпинча юки билан душанба кунигача қолиб кетмоқда. Масалан, 18 февраль куни шаҳримизга 15, 16 ва 17-февраль куни келган 20 дан зиёд вагонлардаги юк туширилиб олинди.

Бу — резина-техника буюмлари заводи (директори Д. Микиртичев), «Узглавпроftехснаб» (директори П. Угай), «Жигули» автомаркази (директори А. Бадзин) ва бошқаларнинг масъулиятсизлиги оқибатидир. Мазкур коллективларда ҳамон масъул навбатчилар йўқ. Якшанба кунги телефон қўнғироқларига ҳеч ким жавоб бермайди.

Кеча Тошкент темир йўли станцияларида юки туширилмаган 16 вагон қолиб кетди. Цемент ортилган тўрт вагон 19 февралдан бери Қизил Тўқимачи станциясида 1-темир-бетон буюмлари заводининг айби билан ҳаракатсиз турибди. Уларнинг юки ниҳоятда сусткашлик билан туширилияпти. Ваҳоланки, цемент қурилишлар учун ҳаводек зарур.

Салор станциясида 18 февралдан бери экскаватор заводига юборилган қум ортилган очиқ вагон ҳаракатсиз турибди.

Лак-бўёқ заводи мой ортилган вагонни бўшатмай тунашга қолдирди. «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси транспорт интизомига ҳамон риоя қилмаяпти.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

САБОҚ БЎЛСИН

Шаҳар штабининг навбатдаги йиғилишида Сергели район ижроия комитети раисининг ўринбосари И. Я. Михайленконинг районда ёнилғи-энергетика ресурсларидан самарали ва тежамли фойдаланиш бўйича ҳисоботи тингланди. Районда бу соҳадаги ишлар мақсадга мувофиқ ва белгиланган график бўйича амалга оширилаяпти. Ёнилғи ресурсларини тежаш юзасидан белгиланган тадбирлар амалга оширилаётгани учун 1685 минг киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинди. Бунда қуёш тўсқич мосламалари, шунингдек СССР транспорт қурилиши министрлигига қарашли ремонт-механика, махсус ошхона мебеллари заводлари ҳамда бошқа корхоналарнинг коллективлари эришаётган ютуқлар салмоқли бўлмоқда.

Аммо, қиш турар жойларни иссиқлик билан таъминлашда мавжуд нуқсонларни ҳам очиқ-равшан кўрсатди. Бу проблемани ҳал этиш учун иссиқлик трассесини капитал ремонтдан чиқариш, қозонхонадаги эскирган жиҳозларни янгилаш тақозо этилади. Микрорайонлар ва кўчаларнинг ободончилиги борасида ҳам бир қатор нуқсонлар мавжуд. Ҳозир бу камчиликларни бартараф этиш учун зарур чоратадбирлар кўрилмоқда.

Штаб йиғилишида шунингдек, бирлашган қозонхоналар директсиясининг қиш мавсумидаги иши ҳам кўриб чиқилди. Умуман корхонада турар жойлар, ташкилотлар ва корхоналарни иссиқлик билан ишончли таъминлаш учун кўпгина иш қилинган. Белгиланган тадбирларга мувофиқ 42 та қозонхона капитал ремонтдан, 37 қозонхона эса жорий ремонтдан чиқарилган. Аммо қишнинг совуқ кунларида бу борада барча жойда ҳам иш яхши эмаслиги маълум бўлиб қолди. Ҳозирга қадар қозонхоналарда қўшимча сув учун запас омборлар ўрнатилмаган, сувни ҳимиявий тозалашнинг қуввати ҳам етарли эмас. Бу ва бошқа масалалар кечиктирмасдан ҳал этишни тақозо этади.

Штаб йиғилишида Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг секретари Б. Ғ. Халилов иштирок этди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Эрон Ислом Республикасининг Президенти Абулҳасан Банисадрнинг СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга йўллаган жавоб телеграммасининг баёни эълон қилинган. Унда Эрон Ислом революциясининг бир йиллиги муносабати билан йўлланган табриклар учун миннатдорчилик изҳор этилади.

● Сайловчиларнинг РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод—КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. А. Суслов билан учрашуви ҳақида ҳисобот босилган.

● Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси, ГДР ташқи ишлар министри О. Фишер Совет ҳукуматининг таклифига биноан визит билан 19 февраль куни Москвага келди.

● «Зарбдор вахта байроқдорлари»—«Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

Ж—Пэйк Плэсид ОҚ ОЛИМПИАДАДАН ДАРАКЛАР

ҒОЛИБЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Хоккей. Оқ Олимпиадада хоккей бўйича ўтказилаётган турнирнинг биринчи босқич беллашувлари ниҳоясига етди. Бугун эрталаб Олимпиада медаллари учун курашни давом эттирувчи тўрт кучли коллектив аниқланди. «Зангори» группада бўлган учрашувлар ҳақида тўхталайлик. Чехословакия ва Швеция терма командалари ўртасидаги учрашув ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эди. Бу учрашувда финалга йўлланма олиш кимга насиб этиши аниқланиши лозим эди. АҚШ спортчилари бу ҳуқуқни қўлга киритишганди. Шу боисдан ҳам учрашув ниҳоятда кескин вазиятда ўтди. У кутилмаган натижа келтирди. Швециялик хоккейчилар тезкор ўйин кўрсатиб, 4:2 ҳисобида ғалабага эришдилар. Улар энди Олимпиада медаллари учун курашни давом эттиришади. Собиқ жаҳон чемпионлари бўлган чехословакиялик хоккейчилар эса бешинчи ўрин учун ўтказиладиган турнирда қатнашадилар.

«Қизил» группада иштирок этаётган СССР терма командаси Канада командаларнинг дастлабки босқичдаги натижалари ҳисобга олинади. Ҳисобни биринчи бўлиб канадаликлар очишди. Учрашувнинг иккинчи бўлимида улар 3:2 ҳисобида олдинда боришаётган эди. Ўйин тақдири учинчи бўлимда ҳал бўлди. Хоккейчиларимиз тезкор ва чиройли комбинациялар ишлатиб, рақибларини мағлубиятга учратишга ҳаракат қилишди. Бунинг боиси бор эди. Финалда командаси билан беллашди. Спортчиларимиз бу учрашувга қадар финал группада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган эдилар. Шунга қарамай улар чиройли ўйин кўрсатиб, рақибларини мағлубиятга учратишга ҳаракат қилишди. Бунинг боиси бор эди. Финалда 1-темир-бетон буюмлари заводининг айби билан ҳаракатсиз турибди. Уларнинг юки ниҳоятда сустлашиш ҳуқуқини қўлга киритган эдилар. Шунга қарамай улар чиройли ўйин кўрсатиб, рақибларини мағлубиятга учратишга ҳаракат қилишди. Бунинг боиси бор эди. Финалда командаси билан беллашди. Спортчиларимиз бу учрашувга қадар финал группада қатн



«ТОШКЕНТ ВА ТОШКЕНТЛИКЛАР» КОНКУРСИГА

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси Шоира Ҳолмуҳамедова «Бир беш йилликда — икки беш йиллик планни бажариш!» тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббусини бошлаб берган «Ўнлар ташаббуси» қатнашчисидир. Шоира коллективнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашиб келмоқда. У Тошкент шаҳар Советининг депутати. Корхона коллективи Ш. Ҳолмуҳамедовага катта ишонч билдириб, уни Тошкент шаҳар Советига депутатликка иккинчи бор номзод қилиб кўрсатди.

СУРАТЛАРДА: Шоира Ҳолмуҳамедова ишда, уйда ва депутатлик қабул пайтида.

Р. Альбеков фотолари.

Сайловдан-сайловгача

БЕҚИЁС ЎЗГАРИШЛАР

СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи коллективи ҳаётида тўрт йил

Бу даргоҳдан ҳар куни темир йўл бўйлаб тракторлар, прицеплар, улар учун эҳтиёт қисмлар, халқ истеъмоли товарлари ортилган вагонлар жўнаб кетади. Бу маҳсулотларга Тошкент трактор заводи белгиси туширилган...

Трактор заводида тўрт йил муқаддам бошланган реконструкция туфайли корхона қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Бир неча йил илгари заводда бўлган киши, бугунги кунда уни билиб олиши қийин, чунки олдинги сайловлардан буён ўтган даврда юз берган ўзгаришлар беқиёсдир. Бундай ўзгаришлар ишлаб чиқаришдагина эмас, шу билан бирга ижтимоий ҳаётда ҳам юз берди.

ЭСКИ ЗАВОДНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Корхона территорияси бўйлаб одим ташлаймиз. Трансмиссия корпуслари ишлаб чиқараётган цехлар комплекси корхона фахри ҳисобланади. Комплекснинг тўртта йирик цехи 36 минг квадрат-метр сатҳни ишғол этган. Корпус қурилиши давомида 1100 та технология ускуналари ўрнатилди. Шунингдек, йилига янги модификациядаги тракторлардан 5 мингтасини ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ҳамда йилига 1500 тонна қайноқ штамповка ва металл қуймалар ишлаб чиқарадиган қўшимча қувватлар фойдаланишга топширилди.

Яна трансмиссия корпусида бешта бино қурилмоқда. тўққиз қаватли инженерлик корпуси қурилиши ниҳоясига етай деб қолди ва хоказо. Икки сайлов ўртасидаги даврда трактор ишлаб чиқаришни ривожлантиришга умуман 44 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Заводни реконструкция қилиш унинг ишида қандай акс этди? Келинг рақамларга «сўз берайлик». Шундай қилиб 1976 йилда 135,7 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинган бўлса, 1979 йилда бу рақам — 162,5 миллион сўмга етди. 1979 йилнинг ўзидагина 60 от кучига эга бўлган тракторлардан 23.900 таси ишлаб чиқарилди.

1976 йилда трактор ва прицепларга 3.770 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар тайёрланган бўлса, 1979 йилда бундай эҳтиёт қисмлар тайёрлаш қарийб ярим миллион сўмликдан зиёд кўпайди.

Кўриб турибмизки, СССР 50 йиллиги номли машинасозлик заводида сайловлар ўртасида беқиёс ва қувончли ўзгаришлар юз берди.

МАШИНАСОЗЛАРНИНГ ЗАРБДОР ВАХТАСИ

Шу кунларда завод коллективи Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўряпти. Беш йилликнинг якунловчи йилини машинасозлар зарбдорларча, ленинчасига ишлаш йили, деб эълон қилдилар.

Коллектив ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, маҳсулот ишлаб чиқиш ва реализация қилиш йиллик планини 29 декабрда бажариш, 1979 йилдагига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини пландаги 4,6 процент ўрнига 5,6 процент кўпайтиришга қарор қилди. Топшириққа қўшимча равишда 500 трактор, 20 та прицеп, кўплаб халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш, планга қўшимча кўриладиган фойдани 100 минг сўмликдан ошириш белгиланди. Завод маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришнинг 90 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш туфайли эришади.

Ҳамма ишлаб чиқарувчиларнинг камида 50 процентини меҳнатнинг бригада методига, қилинган ишга қараб ҳақ тўлашга ўтказиш белгиланди.

Конструкцияни такомиллаштириш ҳамда механизаторлар иш шароитини яхшилаш мақсадида Т—284М маркали янги кабинали ва пульъдан бошқариш системаси такомиллаштирилган тракторлар ишлаб чиқариш ҳамда давлат синовига топширишга қарор қилинди.

Тракторсозларнинг ижодий изланишдаги самарадорликлари йил сайин ортиб боряпти. 1980 йилда рационализаторлик таклифларини жорий этишнинг ўзидагина 730 минг сўмлик иқтисодий фойда кўриш планлаштирилди. 120 тонна қора металл, 2,5 миллион киловатт-соат электр энергияси, 6,5 минг гига-калорий иссиқлик энергияси тежаш белгиланди.

Корхонада цех ва бўлимларнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг техника қобилиятларини намоён этишлари учун яхши шарт-шароит яратилган. Масалан, олдинги сайловдан буён ўтган давр мобайнида тракторсозлар 2,5 мингдан кўпроқ рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини киритдилар, шундан 1,348 таси ишлаб чиқаришга жорий этилди ва 2 миллион сўмликдан кўпроқ иқтисодий фойда келтирди. 19 та ихтиро ишлаб чиқаришга жорий этилди.

ҲАММАСИ ИШЧИЛАР БАХТ-САОДАТИ УЧУН

Владимир Ильич Ленин социализм меҳнат шароитини гигиена қоидаларига бирмунча мувофиқ келадиган, миллионлаб ишчиларни дуд, чанг ва ифлосликдан қутқарадиган, жирканчли устахоналарни тоза, ёруғ, кишиларга мувофиқ лабораторияларга айлантириш ишни тезлаштирадиган вақт келиши ҳақида орзу қилган эди.

Трактор заводида сайловлар ўртасида Ленин васиятларини амалга ошириш борасида катта ишлар қилинди. Эски, ифлос устахоналар ва цехлар ўрнини аллақачон кенг ва ёруғ ишлаб чиқариш бинолари эгаллаган. Бу биноларда ювинадиган, ечиниб-кийинадиган, душхоналар, хотин-қизларнинг шахсий гигиенаси хоналари ва қизил бурчаклар бор.

Ўтган тўрт йил мобайнида машинасозларнинг умумий билим даражалари ва касб малакалари бирмунча ўсди. Ўрта маълумотли ишчилар сони 47,4 процентга етди. 1976 йилда 340 дан кўпроқ ишчилар қўл меҳнати билан банд эдилар. Бугунги кунда трактор заводида қўл меҳнатига бутунлай барҳам берилди, дейиш мумкин.

МЕҲНАТ ВА ШУҲРАТ ЭГАЛАРИ

Мусобақа меҳнат унумдорлигини оширш имконини берадиган янги-янги формаларни келтириб чиқаради, беш йиллик илғорлари сафига янги-янги ишлаб чиқариш илғорларини олиб чиқади. Бундайларни рағбатлантиришга йил сайин кўплаб маблағ сарфланиши билан бирга, ғоявий рағбатлантиришдан ҳам фойдаланилмоқда.

5.500 ишчига «Коммунистик меҳнат зарбдори», цехлар, участкалар, бригадаларнинг 134 коллективига «Коммунистик меҳнат коллективи» деган шарафли ном берилган.

Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга бўлиб ўтган сайловлардан буён трактор заводининг 36 ишчиси орден ва медаллар билан мукофотланди, 76 меҳнаткашга «Завод ветерани» номи берилди, 787 ишлаб чиқариш илғори «Социалистик мусобақа ғолиби» нишони билан, ўнинчи беш йиллик шахсий топшириғини муддатидан илгари бажарган 30 илғор «Ўнинчи беш йиллик зарбдори» нишони билан мукофотланди. Булар орасида резба ўювчи Вера Максимова Балина, токарлардан Зокир Пўлатов, Вячеслав Иосифович Романовский, Гавҳар Мамаюсупова, тунукасоз Геннадий Станиславович Бакиновский ва бошқа кўплаб кишилар бор.

800 га яқин ишчи календардан ўзиб, 1981— 1982 йиллар ҳисобига меҳнат қилмоқда.

ФАРОВОН ТУРМУШ

Сайловлар ўртасида корхона меҳнаткашларининг маданий-турмуш шароитини яхшилаш борасида трактор заводида катта тадбирлар амалга оширилди. Шу йиллар мобайнида машинасозларнинг бир минтга яқин оилалари янги квартираларга олиб, уй-жой шароитларини яхшиладилар.

Учта болалар боғчаси ишга туширилди, эндиликда уларнинг сони бештага етди ва тракторсозларнинг 1550 фарзандлари тарбияланмоқда. 500 кишига хизмат кўрсата оладиган поликлиника, 750 ўқувчи ўринли мактаб тракторсозлар ва уларнинг фарзандлари хизматида, шунингдек 1400 ўринли болалар комбинати ишга туширилди. Корхона территориясида бевосита чучварахона ва пархез ошхонаси қурилган, яна битта шундай ошхона ва буфет трансмиссия корпусида иш бошлади.

Ёзда пионер лагери ишлайди. Унда уч сменада 1800 дан кўпроқ болалар дам олишга улгурадилар. Чорвоқ сув омбори сохилида тракторсозлар учун гўзал дам олиш зонаси барпо этилди. Дам олиш кунлари бу ерда юзлаб ишчи ва хизматчиларнинг оилалари ҳордиқ чиқарадилар.

Тракторсозларнинг Маданият саройида маданий ҳордиқ чиқариш, ўз қобилият ва талантларини намоён этиш учун аъло даражада шарт-шароит яратилган. Бу даргоҳда бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг бир неча хили ишлаб турибди.

Завод халқ опера театрининг довруғи олис-олисларга тарқалган. Бу театр хатто П. И. Чайковскийнинг «Евгений Онегин» операсини саҳналаштиришга журъат қилди.

ҲАМ СПОРТ, ҲАМ ДАМ ОЛИШ

Завод спорт комплексида эрталабдан то тун қоронғусигача қайноқ ҳаёт ҳукм суради. Спорт зали, стадион, сузиш бассейни,— бу объектларнинг ҳаммаси ўз ихлосмандлари ва мухлисларига эга. Спортнинг 17 секциясида қарийб 500 та яқин ёш ишлаб чиқарувчилар шуғулланмоқдалар. Оммавий, физкультура-соғломлаштириш ишларига уч мингдан кўпроқ киши жалб этилган. Спортчи-машинасозлар орасида халқаро классдаги спорт мастерлари, СССР спорт мастерлари, спортчи-разрядчилар бор.

Ҳар йили заводнинг юзлаб меҳнаткашлари санаторийлар, дам олиш уйларида бўладилар, туристик поездларда саёҳатга чиқадилар. Олдинги сайловдан буён ўтган давр мобайнида 430 ишчи ва хизматчи ўз соғлиқларини Бутуниттифоқ ва республика курортларида мустаҳкамладилар, 700 киши дам олиш уйлари ва пансионатларда дам олдилар, 830 киши мамлакатимиз бўйлаб туристик поездларда, 200 га яқин машинасоз чет эл мамлакатларида саёҳатда бўлишди.

Бошқа корхоналарда бўлгани каби, трактор заводи касаба союз комитети путевкаларнинг кўпчилигини имтиёзли тарқатади. Касаба союз трактор созларнинг дам олишларини ташкил этишга ҳар йили 25 минг сўмдан кўпроқ маблағ сарфламоқда.

Бундан буёнги истиқболлар қандай? Корхона яқин вақтлар ичида ижтимоий масалаларни ҳал этишни қандай планлаштирмоқда? 1980 йилда 400 квартира, икки ётоқхона, 560 болага мўлжалланган 2 та болалар боғча-яслиси қурилади. Санаторийлар, дам олиш уйлари, туристик поездларда саёҳатда 2.5 мингдан кўпроқ ишчи ва хизматчи бўлади. Яна 1300 ишчи ва инженер-техник ходимлар ўз малакаларини оширадилар, асосий касб эгаси бўлган 1.050 ишчи тайёрланади. Турар-жой посёлкаси ва завод территориясини ободонлаштиришнинг тадбирлар комплексини амалга ошириш белгиланмоқда.

* * *

СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи коллективи ҳамда корхона ҳаётида сайловлар ўртасида юз берган ўзгаришлар ана шулардан иборат. Корхона илғорларидан Маҳамад Тешабоев, Геннадий Бакиновский ва бошқа кўпгина тракторсозлар шундай дейишмоқда: «Бизнинг Советлар ҳокимиятимиз тўғри йўл тутган! Бизнинг камтарона меҳнатимиз туфайли қувват ва шон-шуҳрати ортиб бораётган Советлар ҳокимияти учун, жонажон Ватанимиз учун, жонажон корхонамиз ютуқларининг бундан буён янада ортиб бориши учун шу йил 24 февралда республика Олий Совети ва маҳаллий Советларга депутатликка номзодга кўрсатилган халқимизнинг асл фарзандлари учун, коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блоки учун якдиллик билан овоз берамиз!».

А. БРОНШТЕЙН.

ЙИЛЛИК ПЛАН— МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

КИРОВ ВА СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНЛАРИ МУСОБАҚАСИ

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

Шаҳар статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, Киров райони саноати корхоналари маҳсулот реализация қилиш бўйича январь ойи планини 101,7 процентга, Собир Раҳимов райони эса 102,9 процентга адо этдилар; ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш нисбатан 101,1 ва 102,4 процентни, умумий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати эса нисбатан 103,6 ва 104,6 процентни ташкил этди.

Киров райони корхоналари меҳнат унумдорлигини ўстириш планини 100,8 процентга, Собир Раҳимов райони эса 102,7 процентга адо этди; меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104 ва 97 процентни ташкил этди; шу билан бирга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг тўла ўсишига ҳар икки районда меҳнат унумдорлигини ўстириш эвазига эришилди.

Мусобақадош районлардаги барча корхоналар асосий кўрсаткичларидан бири—маҳсулот реализация қилиш бўйича планларни бажардилар.

Бироқ, Собир Раҳимов районидаги 3 та корхона маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғини, 5 та корхона эса меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғини бажара олмади.

Киров райони саноати шу йилнинг январь ойида планга нисбатан 121,2 процент маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқарган бўлса, Собир Раҳимов районида бу кўрсаткич 103,7 процентни ташкил этди. Маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 111,8 ва 108,2 процентга ўсди.

Киров районида 8 та цех, 38 та бригада ва участка, 193 ишчи; Собир Раҳимов районида эса 3 та цех, 18 та участка ва бригада ўтган ой планининг уддасидан чиқолмади.

Киров районида қурилиш-монтаж ишлари плани (марказлашган молиявий манбаалар — 1979 йилнинг январь-декабрь ойлари маълумотига кўра) 100,5 процентга, Собир Раҳимов районида эса 77 процентга адо этилди. Киров райони қурувчилари турар жойни фойдаланишга топшириш йиллик планини 97 процентга, Собир Раҳимов райони қурувчилари эса 100,2 процентга уддалашди.

1980 йил социалистик мусобақасига шартнома тузган мусобақадош районларнинг меҳнат коллективлари ўзларининг диққат-эътиборларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, шу йил ва умуман ўнинчи беш йилликнинг халқ хўжалик топшириқларини муддатидан илгари бажаришни таъминлашга, иш сифати ва меҳнат унумдорлигини оширишга қаратмоқдалар. Бундан корхоналарнинг асосий техника-иқтисодий кўрсаткичлари — шу йилнинг январь ойидаги ишлаб чиқариш фаолиятларининг сўнгги натижалари далолат бериб турибди.

Жумладан, районларда ўтган ойда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 1,1 миллион сўмга ўсди. Бунга фақат меҳнат унумдорлигини ўстириш эвазига эришилди.

Яна шу нарса диққатга сазоворки, Киров райони саноати пландан ташқари 349 минг сўмлик, Собир Раҳимов райони 532 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Бу эса мажбуриятля кўрсатилганидан анчагина кўп демакдир.

Районларнинг кўпгина корхоналари йил бошиданоқ ишлаб чиқаришни моддий-техника жиҳатдан таъминлаш тўғрисида қайғурдилар. Бу эса уларга бир маромда ишлаш, юксак меҳнат суръатига эришиш имконини берди. Шунингдек, мавжуд қувватлардан, асбоб-ускуналар ва машина парқидан тўла фойдаланилди.

Натижада «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси, 10-автомобиль ремонти заводи, «Ўртоқ» кондитер, тажрибапиллакашлик фабрикалари, 14-рельс-пайвандлаш поезди ва бошқа корхоналар ўтган йилнинг январь ойига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳажмини 10 ва ундан юқори процентга оширишга муваффақ бўлдилар.

Ишлаб чиқариш резервларидан оқилона фойдаланган бир қатор корхоналар коллективлари январь ойида буюмлар ишлаб чиқаришни бирмунча кўпайтиришга эришдилар, мажбуриятларини, шу жумладан пландан ташқари маҳсулот реализация қилишдек муҳим бўлган кўрсаткичларини муваффақиятли бажариш учун яхши замин ҳозирладилар. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари (Киров райони), «Миконд», «Компрессор», чинни (Собир Раҳимов райони) заводлари шулар жумласидандир.

Айниқса, «Турист» ишлаб чиқариш комбинати, Ўзбекистон кўрлар жамиятининг 1-ўқув ишлаб чиқариш корхонаси, 14-рельс-пайвандлаш поезди (Собир Раҳимов райони) ва бошқа корхоналар коллективлари йилни яхши суръат билан бошладилар. Бу корхоналар коллективлари ярим йиллик мажбуриятларида белгиланган даражада пландан ташқари маҳсулот тайёрлаб бердилар.

Шу билан бирга, агар КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми талаблари асосида ишга ёндошиб, баҳо берадиган бўлсак, шуни айтиш керакки, ҳали барча корхоналар зарур бўлган иш суръатига эга эмаслар ва юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни тўла таъминлай олмаяптилар.

Масалан, асбобсозлик заводи 562 минг сўмлик маҳсулот бериб, январь ойи планини адо этди. Бу йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан 7,9 процентга мос келади. Бир қарашда «қарз» унча катта эмасдек туйилади. Лекин бу ўтган йилнинг январь ойида тайёрланган буюмлардан 136 минг сўмлик кам, демакдир.

Дурадгорлик буюмлари заводи ҳам 260 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Лекин унинг ҳажми йиллик маҳсулот реализация ҳажмининг 4 процентига мос келади. Бунинг устига-устак, ўтган йилнинг январь ойига нисбатан корхона 350 минг сўмлик маҳсулот беролмади. Албатта бунда ёғоч маҳсулотлари кескин етишмай турган бир пайтда корхона раҳбарларини ва коллективни айблаш қийин. Бироқ, ҳозирги кунда квартал планни бажариш учун завод меҳнатчилари февраль ва март ойларида ойига 700 минг сўмликкача маҳсулот ишлаб чиқаришлари керак бўлади.

Собир Раҳимов районидаги Тошкент мармар ишлаб чиқариш ва Тошкент ёғочни қайта ишлаш бирлашмалари ҳам маҳсулот реализация қилиш ҳажмини пасайтириб юбордилар.

Бир қатор корхоналар мавжуд бўлган техника, асбоб-ускуналардан етарлича фойдаланмаяптилар, ҳар бир иш жойида меҳнат жараёни аниқ ташкил этилмаган. Бундай ҳолат асбобсозлик заводида, тақимачиликгалантерея (Киров райони) фабрикаларида, Тошкент мармар ишлаб чиқариш бирлашмасида, экскаватор ремонти заводида, кенг истеъмол буюмлари, кўн-галантерея буюмлари (Собир Раҳимов райони) фабрикаларида кўзга ташланмоқда.

Шу кунниг вазифаси шундан иборатки, ҳар бир корхонада мавжуд резервлардан, қувватлардан тўла фойдаланиб, янада самарли ишлашни ўрганиш зарур. Энг муҳими шуки, меҳнат унумдорлигини ўстириш учун қурашни қизитиш зарур. Чунончи, меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича январь ойи топшириғини бажаролмаган Тошкент мармар бирлашмаси, ёғочни қайта ишлаш комбинати, Тошкент ўйинчоқлар, бош-кийимлар фабрикалари коллективлари ўз диққат-эътиборларини худди ана шу масалаларга қаратмоқлари лозим.

Ишлаб чиқаришда юксак самарадорликка эришиш — бу кам маблағ сарфлаб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, барча кўрсаткичлар бўйича планларни бажариш, демакдир. Аксинча, топшириқларни асосий ва «иккинчи даражали»га бўлиш керак эмас. Ишга ана шундай ёндошиш 1980 йил учун қабул қилинган мажбуриятларни ишлаб чиқишда меҳнат коллективлари учун характерли бўлди. Бу шу жумладан кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш масаласига ҳам тегишлидир. Чунки бу йил коллективлар планда белгиланганидан кўп маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилганлар.

Мана, январь ойи ҳам ўтиб кетди. Маданий-маиший ва уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш бўйича топшириқлар қандай бажариляпти? Умуман мусобақадош районлар бу кўрсаткич бўйича планни муваффақиятли бажардилар. Лекин Тошкент мармар бирлашмаси, дурадгорлик буюмлари заводи, Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси (Собир Раҳимов райони) ойлик топшириқни ўлда-жўлда қолдирди. Кўн-галантерея буюмлари фабрикаси эса ўтган йилнинг январь ойига нисбатан 41,2 процент маданий-маиший буюмлар бериб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кескин камайишига йўл қўйди.

Мусобақадош районларнинг бир қатор корхоналари ишлаб чиқараётган кенг истеъмол буюмларининг сифати яхши эмас. Бундан трикотаж, тикувчилик, бош кийимлари буюмларининг айрим туркумларини сифатини текшириш натижалари далолат бериб турибди. Масалан, ўтган йилнинг ноябрь ойида улгуржи савдо базаси мутахассислари томонидан ўтказилган текширишда бир қатор енгил саноат корхоналари брак буюмлар бераётганлиги равшан бўлди. Жумладан, назорат пайтида «Малика» бирлашмаси ишлаб чиқарган 8.800 та трикотаж буюми сифатсиз эканлиги маълум бўлди. Шундан 2.185 таси (24,8 процентни)да жиддий нуқсонлар борлиги аниқланди. Натижада уларнинг сорти паст сортга туширилди, бир қисми корхонага қайта ишлаш учун жўнатилди.

Шу йилнинг январь ойида савдо тармоқларига кўпгина буюмлар нуқсони билан жўнатилган.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш самардорлигини ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарори барча хилдаги маҳсулотларнинг юксак сифатига эришиш, ишлаб чиқаришни комплекс автоматлаштириш ва механизациялаштиришни тезлаштириш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини ўсишини таъминлашга меҳнат коллективларининг диққат-эътиборларини ана шу муҳим масалаларга қаратмоқлари лозим.

Меҳнат коллективлари беш йилликнинг масъулиятли дамларига— якунловчи йилга қадам қўйдилар. Белгиланган планларни ва шунингдек, шу кунниг муҳим вазифаси бўлган — социалистик мажбуриятларни бажариш ва ошириб бажариш лозимдир.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДАН ЯНГИЛИКЛАР

КОМИССИЯ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Партия XXV съезди қарорлари асосида ташкилий-партия в и й ишларнинг форма ва методларини янада такомиллаштири ш г а пойтахтимиздаги «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия комитети муттасил эътибор бермоқда.

Яқинда бошланғич партия ташкилотининг ташкилий-партия в и й ишлар юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилишини мунтазам назорат қилиб бориш, унинг форма ва методларини янада такомиллаштириш мақсадида махсус комиссия ташкил этилди. Ташкилий-партиявий ишлар юзасидан тузилган бу комиссия партия сафларига қабул қилиш, айрим коммунистларнинг шахсий ишини кўриб чиқиш сингари муҳим масалалар билан шуғулланмоқда. Унга тажрибали коммунист Виктор Евстафович Сиднев бошчилик қилмоқда.

62 МИНГ СЎМЛИК МАҲСУЛОТ

Тошкент «Компрессор» заводининг ишчилари коммунистик шанбаликда текинга ўн бешта компрессор тайёрлаб беришга қарор қилдилар. Бу компрессорларнинг кўпгина қисми тежалган хомашё ва электр энергияси ҳисобига тайёрланади. Корхона коллективи 19 апрелга жуда катта программани мўлжаллаган. Корхона ишчилари ва инженер-техник ходимлари билан ишлаб чиқариш ветеранлари, оталиқдаги ҳунар-техника билим юртининг ўқувчилари ҳам шанбаликда иштирок этадилар. Шанбалик штаби меҳмонларни иш билан таъминлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиб қўйди. Уларга дарахтлар, гул ва бута кўчатлари ўтқазиш топширилади. Шу куни корхонада ҳаммаси бўлиб 62 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

КОНВЕЙЕРДАН ЯНГИ ТУШДИ

ФАХРЛИ БЕЛГИ БИЛАН

Бадиий буюмлар фабрикаси дўппи цехининг маҳсулоти биргина Иттифоқимизда эмас, балки чет элларда ҳам маълум ва машҳурдир. Ҳозирда бу ерда тайёрланаётган «Нозик», «Ироқи», «Чоргул», «Бодомча» дўппилари ҳар қандай харидорга манзур бўлади.

Коллектив дўппиларнинг ассортиментини бойитиш борасида тинмай изланмоқда. Дўпписозлар яна икки хил янги дўппини ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Булар селон материалидан тайёрланаётган эркаклар дўпписи ва хотин ва қизларнинг автомат машинада тикиладиган «Чоргул» дўпписидир. Цех дўпписозлиги селон дўппидан шу кунгача 4 миллионтасини тайёрлаб бердилар. Ҳар икки дўппига давлат Сифат белгиси берилди. Эндиликда фахрли белги бу янги буюмларни безайди.

Январь ойида 76 минг сўмлик маҳсулот реализация қилган цех коллективи болаларнинг сатин материалидан тикиладиган янги дўппиларини ишлаб чиқариш устида иш олиб боряптилар. Шунингдек, бошқа хил дўппилар яратиш устида ҳам изланиш давом этмоқда. Дўпписозлар бу йил 1 миллион 300 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишади.

2 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

21 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.



• *Педагог ўйлари*

ОТА-ОНА БУРЧИ

Бола тарбиясидек мураккаб нарса бўлмайди. Бунинг учун мактаб ҳам, оила ҳам жон куйдириши лозим. Лекин баъзи ота-оналардан: «Болани мактабга бердик, энди уларнинг ўқиши ва тарбиясига мактаб ва ўқитувчилар жавобгар, биз ўз ишимиз билан бандмиз» деган гапларни эшитиб ажабланади киши. Ҳар бир ота-онанинг келажакдаги орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган фарзанд тарбияси нафақат мактаб ва ўқитувчиларгагина юклаб қўйилса деб ўйлайсан.

Ўқитувчи давлатнинг мактабдаги вакили, у ёшларга билим беради, тарбия ўргатади. Шогирди олим бўлса ёки илғор ишчи бўлиб етишганда у ҳам ота-она билан бирга қувонади. Ўқувчисининг таълим берган устозига нисбатан айтган миннатдорчилигининг ўзи ўқитувчини бир олам қувонтиради.

Мактаб ва ўқитувчи деганда ҳамма болаларга тарбия берадиган жой деб тушунган, ҳозир ҳам, келгусида ҳам шундай деб тушунилади. Аммо боланинг ҳар томонлама етук бўлиб етишишида мактабда берилган илм ва тарбиянинг ўзи кифоя қилади, дейиш тўғри бўлмайди. Агар шундай деб ўйласак мактаб, онла ва жамоатчиликнинг ҳамкорлик кучини унутган бўламиз.

Машҳур рус педагоги А. С. Макаренко шундай дейди: «Мактаб, онла ва жамоатчилик— серҳосил дарахтнинг ўта мустаҳкам илдизидир. Мабодо шу илдизлардан бирортаси заиф бўлса, бу дарахтдан ширин ва шарбатли мева кутиш қийин». Бу фикрларда тўғдек юксак, денгиздек улкан маъно бор. Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг тарбияси учун халқ олдида, давлат олдидаги бурчини ҳам унутмаслиги керак.

Биз ҳамма вақт мактабда, кўча-кўйда болаларда учраган салбий ҳолатларни кўрганда, уларга танбеҳ берамиз, насиҳат қиламиз. Бу яхши. Болаларни сездингизми, мактабдами, маҳалладами бир-икки бор ўзи билан гаплашинг, натижа чиқмаса, ота-онаси билан суҳбат қилинг. Шунда ҳам бўлмаса, мактаб, ота-оналар комитетига ёки маҳалла комитетларига мурожаат қилиш лозим.

Шаҳримиздаги Сағбон кўчаси ҳозирги транспорт ҳаракатига нисбатан анча тор. Бу кўчада болалар моторли велосипед миниб, бир-бирларини билан пойга ўйнашарди. Бу, биринчидан, болаларнинг ўз ҳаётларига хавфли бўлса, иккинчидан мотор овози аҳолини безовта қиларди. Уларни навбат билан тўхтатиб тартибга чақирдик, бўлмади, яна бир-икки марта суҳбат ўтказдик. Охири маҳалла участкасининг вакили, капитан Ҳусниддин Шомуҳамедов билан биргаликда Салим, Вали, Ғайрат, Турсун каби болаларнинг ота-оналари билан гаплашиб, бу борада ота-оналари айбдор эканликларини аниқладик. Улар бунга иқрор бўлишди, болаларни вақт-бевақт кўчага чиқармаслик ҳақида сўз беришди. Шу билан олам гулистон бўлди, болалар кўча қоидасини бузмайдиган, аҳолининг тинчлигини бузмайдиган бўлишди.

Ҳамма ота-она ҳам фарзандининг кийим-нишлари, ейиш-ичишлари, туриш-турмушлари билан қизиқади, лекин бунинг ўзи кифоя қилмайди. Боланинг ўқиши, меҳнатга бўлган муносабати, ахлоқий ва маънавий қиёфаси билан ҳам мунтазам шуғулланиб туриш керак.

Афсус билан айтиш керакки, баъзи ота-оналар болани ўта даражада эркатой қилиб ўстиришади, бутун ихтиёрни унинг ўзига ташлаб қўйишади. Бундай болалар ўжар, бетга чопар, манман, вақти келганда безори, одобсиз бўлиб ўсадилар.

Очиқ айтиш керак-ки, баъзи ота-оналар боланинг ўқиши қанақа, ўқитувчиси ким, параллель синфларнинг қайси бирида ўқийди, олаётган баҳолари, аҳлоқ-одобига бепарволик билан қарашади. Тарбия ҳақида гап кетганда, яна ҳамма айбни мактабга, ўқитувчига қўйишади, ўзларини ҳам, болани ҳам оппоқ қилиб кўрсатишади.

Тажриба шуни кўрсатадики, кўпинча бола онладаги шароитга қараб, ота-она тарбиясига қараб, улардан аройиш олиб, тақлид қилиб ўсади. Ота-она назорати остида, уларнинг ёрдамидан баҳраманд бўлган, бир-бировини ҳурмат қилган, ростгўй, ҳалол, софдил, меҳнатсевар кишиларнинг фарзандлари одобли, интизомли, ўқишда илғор, жамоат ишида актив бўлиши мумкин.

Шу ўқув йилининг иккинчи ярмида бир мактабнинг 8-синфида «Бизнинг онла» деган темада иншо ўтказдик. Кўпгина ўқувчилар онлада неча кишилиги, уларнинг аҳиллиги, отанинг онладаги обрўси, онла аъзолари онлан муносабати, ўқишларига ким ёрдам беришлари ва яхши ўқишлари учун яратилган шароитларни ёзишган. Баъзи ўқувчилар ўз ота-оналарининг унинг ўқиши учун шароит яратмагани, кўпроқ бошқа ишга жалб қилиб, ўқишдан қолдиришини, ҳатто пул топишга ундашларини ҳам баён этишган.

«Бизнинг онла жуда яхши,— деб ёзибди бир ўқувчи,— ҳаммамиз аҳил, бахтли яшаймиз. Дадам ишчилар, ойим касалхонада ҳамширa бўлиб ишлайдилар. Улар ҳалол меҳнат билан топган пулларидан бизга кийимлар олиб беришади, ширин, мазали овқатлар қилиб беришади. Катта акам Баҳодир, Иқбол опам ва мен — ҳаммамиз уй ишларига қарашамиз, ота-онамизга ёрдам берамиз. Кечқурунлари дадам газетадан қизиқ нарсалар ўқиб, эртаклар айтиб берадилар. Биз ҳаммамиз бу гапларни завқланиб эшитамиз».

Бола онладаги катта-кичиқдан ўрганиб, тақлид қилиб ўсаверади. Энг асосийси, болани илмли ва бирор ҳунар эгаси қилиб етиштиришни кўпроқ ўйлаш керак. Шу билан бирга, сиз ўз фарзандларингизнинг ҳар бир муҳаббат руҳида тарбияланб, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, ростгўйлик, халқ мулкига, давлат мулкига коммунистик муносабатда бўлишга ўргатсангиз, юксак ахлоқли қилиб етиштирсангиз, жамиятимизга олий ҳимматли иш қилган бўласиз.

Таълим-тарбия ишини бола мактабга бормасдан, онлада — унинг ёшлик давридан бошлаган тақдирдагина уларнинг тарбиясида кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Боланинг бундай келажаги ўқиши, таълим-тарбиявий ишларга қандай қарашини, унинг дади, фикри ва ниманарга интилишини ҳамма томондан аниқласа бўлади.

Тўғри тарбиянинг энг муҳим томонларидан бири — уларнинг тарбиячилари томонидан қўйиладиган талабларнинг бирлигидадир. Шундай ҳоллар ҳам учраб туради, боланинг онаси, бувиси рухсат берган нарсани отаси тақиқлайди, отаси берган маслаҳат бувиси ёки онасига маъқул бўлмайди. Боланинг бир қилиғи онасига, бувисига ёқса, отасига маъқул тушмайди. Буни кўрган бола нима қилишини билмай қолака бўлади, у ёлғончи, қўрқоқ ва мўғомбир бўлиб қолади, натижада тўғридир, нотўғридир ким яхши гапирса ўшанинг айтганини қиладиган кўйга тушади, мустақил фикрга эга бўлмайди.

Бир ўқувчи иншосида шундай деб ёзибди: «Менинг отам врач бўлиб ишлайди, ҳаммамизнинг ўқишларимизга, дарс тайёрлашимизга раҳбарлик қилади, бирортамизнинг кундалигимизда «2» баҳони кўрса, ҳаммамизни койийди, бир ерга тўплаб насиҳат қилади. Бундан хабардор бўлган ойимиз бизнинг ёнимизни олади, отамизни юпатади, шунинг учун биз опамизни меҳрибон она деб биламиз». Бундай ҳолат отага нисбатан ҳурматсизлик, онага нисбатан меҳрибонликка олиб келади. Натижада онладаги тотувлик йўқолади. Баъзан ўқувчининг онаси билан суҳбат қилсангиз, у отасидан шикоят қилади, болаларнинг ўқишига, тарбиясига мутлақо қарамайди, мени кучим етмайди, дейди.

Отаси билан гаплашсангиз «Мен нима қилай, эрта-ю-кеч болаларим деб юрибман, эгни бут, қорни тўқ, рўзғорда камчилигимиз йўқ, ўқув қуроллари етарли, яна нима қилиш керак», деб ўзини оқлайди. Ахир инсон дунёга фақат еб-ичиш учун келмайдику. У ўзидан яхши ном, яхши из қолдиришга лозим. Шундай экан, бола тарбияси учун ота ҳам, она ҳам бирга жавобгар.

Ҳар бир ота-она шуни унутмаслиги керакки, бола тарбиясини пайсалга солиш, бу борада вақтим йўқ, бу арзимаган нарса, майда-чуйда иш деб қараш ярамайди. Бола тарбиясига нисбатан бундай муносабатда бўлиш кейинчалик катта хатоларга, турли кўнгилсиз воқеаларга олиб бориши мумкин.

Ҳаммамизга маълумки, ҳар қандай ота-она ҳам ўз фарзандини севади, унга меҳр қўяди. Бунинг ҳам чегараси, меъёри бўлиши керак. Ҳаддан ташқари эркалаб ўстирганларнинг фарзанди катта бўлганда қўлидан ҳеч нарса келмайдиган, қобилиятсиз, ношуд бўлиб қолганларини ҳам кўрганмиз.

Ҳамма ота-она ҳам ўз фарзандига фақат яхшилик тилайди. Гул тикансиз, гўруч курмаксиз бўлмаганидек, баъзан бунинг тескариси ҳам бўлиб чиқади. Фалончининг ўғлига нима бўлибди, қамалибди, вега деган саволларга бир оғиз сўз билан жавоб қилганда ёшликдан бошлаб бола тарбиясига эътибор бермаган, унинг тарбияси бузилган деб жавоб берса бўлади.

Ўқитувчи ҳамма вақт ўз шогирдига илм-таълим беради, ҳаёт йўлини кўрсатади. Ота-онанинг вазифаси шундан иборат бўлмоғи керакки, ўз фарзандларида «оқ-қора»ни танитган ўқитувчига, жамоатчиликка нисбатан ҳамма вақт ҳурмат ҳиссини тарбиялаб боришдир.

Ф. НУРИДДИНОВ,
Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, кекса педагог.

✦ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ УЧУН

БИЗ ТИНЧЛИК БОЛАЛАРИ

Биз тинчлик болалари,
Нур тилаймиз оламга.
Уруш, тўполон эмас,
Тинчлик керак одамга.
Урушлардан не фойда,
Керак эмас тошга ҳам,
Уруш ўлим, даҳшатдир,
Қийин кекса, ёшга ҳам.
Ота-боболаримиз,
Урушларни кўп кўрган.
«Аҳил яшанг ҳаётда,
Урушманглар ҳеч»
деган.
Қирқ биринчи
йилларнинг,
Даҳшатлари қулоқда.
Қанча ота-болалар,
Қолиб кетган тупроқда.
Бомбалар кимга неран,
Юртни қирғинга солиб.
Қарғар эллар
минг йиллаб,
Асоратидан нолиб.
Тинчу тотув яшашдан,
Қувончи борми энёда.
Урушларга йўл қўйманг,
Одамлар сиз дунёда.
Тариқчалик аҳддан,
Бор одамлар урушмас.
Уруш чиққан бахилдан,
Доно одам суришмас.
Урушқоқ элатларда,
Бўлмас обрў-насиба.
Гуноҳ йўқ миллатларда,
Хоҳ бўлсин оқ,
хоҳ қора.
Қуроллардан олимлар,
Ишласин омоч-ўроқ.
Деҳқон ҳайдаб далани,
Дашгта дон
сепсин кўпроқ.
Танкларни трактторга,
Айлантирса қандай соз.
Машинист ботиб терга,
Меҳнатга берса пардоз.
Эшитмай деса инсон,
Оҳ-фарёд нолаларни.
Ҳар дақиқа ўйласин,
Жаҳонда болаларни.
Дунё бўлсин доим тинч,
Боғ этайлик чўлларни.
Инсон шодликка ташна,
Шод этайлик дилларни.
Биз тинчлик болалари,
Нур тилаймиз оламга.
Керак эмас урушлар,
Жумла жаҳон, одамга.
Сиз жаҳон одамлари,
Беринг биз қўлни-қўлга.
Келажак, эртамизни,
Бошланғич нурли йўлга.

Саодат ТОЖИ.

Ҳар тўғрида

МОСКВАДАН ОЛИСДАГИ «МОСКВА»

Москва, Кремль деган сўзлар оламга машҳурлигини ҳамма билади. Аммо Москва чўққиси ва Кремль тоғи борлиги кўпчиликка маълум эмас. Бу номларни улуғ рус сайёҳи Н. М. Пржевальский ўзининг Марказий Осиёга қилган тўртинчи саёҳати пайтида (1883 —1885) Тибет тизма тоғларининг бирига қўйган эди.

ҚИШИН-ЁЗИН МУЗЛАЙДИ

Иқлими мўътадил бўлган курорт ва санаторийлар шаҳри Кисловодскдан атиги икки километр олисда (Ставрополь ўлкасининг жанубида) қалин муз қатлами билан қопланган жой бор. Муз ёзнинг энг иссиқ кунларида ҳам эриб кетмайди.

100 ЁШЛИ ТОШБАҚА

1737 йили Лондон ҳайвонот боғига 100 ёшли улкан тошбақа тутиб келтирилган эди. Орадан икки аср ўтган бўлса ҳам, ҳамон ўша тошбақа яшаб келмоқда.

ЭНГ ЧУҚУР ДАРЁЛАР

Мамлакатимиздан суви кўп, чуқур дарёлар ўтади. Кама дарёсининг энг чуқур жойлари 30 метрдан 38 метргача боради.

Енисей дарёсининг айрим жойлари 45— 48 метргача боради. Суви гирдоб бўлиб оқадиган жой чуқур бўлади. Енисейнинг ана шунақа жойи ўлчанганда 80 метр чуқурликни кўрсатди. Енисей ССРдаги энг чуқур дарё ҳисобланади.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

КУЛТЕПАЛАРДАН ТИКЛАНГАН ШАҲАР

БЕРЛИН. Бундан 35 йил илгари Магдебург шаҳри вайронагардан иборат эди, дейиш мумкин. Урушнинг охирги йилида Англия ва Америка авиациясининг ваҳшийларча бомбардимони натижасида бу шаҳар ер билан яксон қилинди. 16 минг киши бинолар тагида қолиб ҳалок бўлди.

Уруш кишиларнинг бошига қандай кулфатлар келтирганлиги ва тинчлик инсонга нималар беришини бу ердагилар ҳеч қачон унутмайдилар. ГДРда халқ ҳокимияти йиллари мобайнида том маъноси билан култепалардан тикланган бу шаҳарнинг ўзи шундан далолат бериб турибди. Эльба соҳили оппоқ бетон плиталар билан қопланган, реставрация қилинган қадимги ибодатхона ёнида замонавий осмонўпар бинолар, кўркам уй-жой комплекслари қад кўтарган. Ҳозирги вақтда Магдебург шаҳрида 280 минг киши яшайди ва уларнинг асосий қисми ўтган 30 йил мобайнида янги уйларга кўчиб кирди. Тинч, бахтиёр ҳаёт Эльба бўйидаги шаҳар саноатининг муттасил ривожланишига ёрдам берди. У ерда ГДРда энг катта дарё порти қурилган. Магдебургни республика оғир саноатининг «юраги» деб ҳам аташади. Э. Тельман номли маҳаллий оғир машинасозлик комбинатининг маҳсулоти жаҳондаги ўнлаб мамлакатларга, шу жумладан Совет Иттифоқига ҳам юборилмоқда.

ШИМОЛИЙ РАЙОНЛАР УЧУН

СОФИЯ. Иван Димитров номли Русен кемасозлик заводининг коллективи меҳнат ғалабасини байрам қилмоқда: 2150 тонна юк кўтарадиган «Ленанефть» типидаги танкер бу йил биринчи марта сувга туширилди.

Кема Совет Иттифоқининг шимолий районларида ишлатишга мўлжалланган.

Русен корхонасининг ривожланиши БХР билан СССР ўртасидаги ихтисодий интеграциянинг ёрқин намунасидир. Бу ерда совет мутахассислари ёрдамида кўп тонна юк кўтарадиган кемалар қуриш ўзлаштирилган. Кема ускуналари ва механизмларини синаб кўриш совет методи жорий этилганлиги натижасида кемаларни фойдаланишга топшириш муддатлари анча қисқарди, ёнилғи тежаб қолинмоқда.

Биргаликда ишлаб чиқилган бошқа ечимлар ҳам катта иқтисодий самара бермоқда.



Бирмингемда инглиз қўшинларининг Ольстерда ушлаб турилганига қарши оммавий норозилик намойиши бўлиб ўтди. Бу намойиш 1972 йил. даги қонли воқеалар муносабати. билан уюштирилди. Ушанда инглиз солдатлари Бирмингемдаги тинч на мойиш қатнашчиларини ўққа тутган эдилар. Икки мингдан зиёд намойиш қатнашчилари Шимолий Ирландия муаммосини ҳал этишда ҳарбий нучга таянаётган консерваторлар ҳукуматининг сиёсатига кескин норозилик билдирдилар.

СУРАТДА: Бирмингемдаги намойиш вақтида.

АП— ТАСС телефотоси.

ФРАНЦИЯ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ КУРАШИ

ПАРИЖ. Францияда ўтган ҳафта ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган меҳнаткашларнинг оммавий намойишлари билан нишонланди. Мамлакатнинг ҳамма томонларидан келган 5 минг темирйўлчи иш ҳақининг оширилиши ва меҳнат шароитларининг яхшиланиши тўғрисидаги талабларини қўллаб-қувватлаб, Парижда намойиш ўтказдилар. Касаба союзлари ўз вакилларининг темир йўллар миллий жамияти дирекцияси билан февраль ойи охирига мўлжалланган музокараларини ҳеч қандай натижа бермаса, машинистлар билан кондукторларни шу йил бошидан буён иккинчи умуммиллий забастовкага даъват этажаклари тўғрисида огоҳлантирдилар.

Яна Франция пойтахтида бўлиб ўтган намойишда 4 мингдан кўпроқ чорвадор қатнашди. Улар «Умумий бозорнинг қишлоқ хўжалик соҳасидаги ягона сиёсатига қарши норозилик билдирдилар. Бу сиёсат уларнинг даромадларини муттасил пасайтириб юбормоқда.

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

КОБУЛ. Афғонистон ҳукумати мамлакатда жамоат соғлиғини сақлаш системасини ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. «Кабул нью таймс» газетасининг хабар беришича, АДР Министрлар кенгаши сил касали билан бетоб кишиларни текин даволаш тўғрисида қарор чиқарди. Бу қарорни АДР Революцион кенгашининг Раиси ва Бош министри Бабрак Кармал тасдиқлади.

* * *

АНҚАРА. Муниципалитетнинг 7 мингдан ортиқ ишчи ва хизматчилари иш ташладилар. Муниципалитет ходимлари аъзо бўлган «Турк-иш» касаба союз бирлашмасининг бош секретари иш ташлаш унда қатнашганларга ўтган икки ой учун иш ҳақи тўланиб, бошқа талаблар қондирилмагунча давом этаверади, деб айтди.

* * *

ДАМАШҚ. Ишчилар касаба союзлари умумий федерациясининг даъватига биноан 15 февралда Суриядa ихтиёрий ватанпарварлик меҳнати куни ўтказилди. Давлат муассасаларининг хизматчилари, давлат сектори корхоналарининг ишчилари ҳукуматнинг ички ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаш иши юзасидан ихтиёрий меҳнат кунида қатнашдилар.

* * *

БАҒДОД. Бутун Ироқда кенг миқёсда йўл қурилиши ишлари олиб борилмоқда. Шу йилнинг ўзидагина мамлакатнинг учта шимолий вилоятларини бирлаштирган курдлар автоном районида 300 километрдан узунроқ масофада замонавий йўллар қурилди.

Бу йил автомобиль билан юк ва пассажир ташувчи давлат транспорт ташкилотига 50 миллион динордан кўпроқ маблағ ажратилди. Бу маблағ янги автобуслар, юк автомобиллари, махсус автомобиллар сотиб олиш, улар учун ремонт базалари қуриш, шунингдек шоферлар ва техника хизмати ходимлари тайёрлаш учун сарфланади.

Республиканинг деярли ҳамма вилоятларида янги автобус маршрутлари очилади. Ташкилотга яқин йил ичида 800 та янги автобус берилади.

* * *

ДЕҲЛИ. Годавари дарёси ҳавзасида ва Гужарот штатининг Броч округида ҳинд геологлари катта нефть ва табиий газ конларини топдилар.

Камбей кўрфазининг соҳилларида нефть ва газ запаслари борлигини совет олимлари бундан бир неча йил илгари айтиб ўтган эдилар. Улар ҳинд геологлари билан биргаликда Гужаротда фойдали қазилмаларни қидирган эдилар. Маҳаллий матбуот янги конларнинг очилиши мамлакатнинг экономикасини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга эканлигини, чунки ҳозирги вақтда Ҳиндистон мамлакатда истеъмол қилинаётган нефтнинг 65 процентини чет мамлакатлардан келтиришга ва бунинг учун ўзининг барча экспорт тушумларининг қарийб 35 процентини сарфлашга мажбур бўлаётганлигини уқтириб ўтмоқда.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Г. ЖЎРАЕВ, Б. ИСЛОМОВ: Бизларга иморатлар страхованиеси шартномалари қандай қилиб тузилиши ҳақида маълумот беришингизни сўраймиз.

Жавоб: Шахсий уйга, дачага ёки гаражга эга бўлган кишилар албатта иморатлар страхованиеси шартномаларини тузишлари керак. Иморатлар страхованиеси шартномалари бир йил муддатга тузилади. Бегим, портлаш, яшин уриш, сув тошқини, зилзила, бўрон, довул, жала, дўл, қулаш, сирғиш, тўсатдан ер ости суви чиқиб кетиши, қалин қор ёғиши, иситиш системалари, водопровод ва канализация тармоқларининг аварияга учрашидан қурилишлар шикастланса ёки яроқсиз ҳолга келса, страхованиe шартномасига мувофиқ давлат страхованиe органлари давлат чакана савдо баҳосига биноан етказилган зарарни тўлайди.

Страхованиe тўловлари ҳар 100 сўм страхованиe суммаси учун бир йилга шаҳарда 50 тийин, қишлоқ жойларида 70 тийин. Страхованиe тўловларини иш жойингиздаги бухгалтерия орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан ёки страхованиe агентига нақд пул билан тўлашингиз мумкин. Страхованиe муддатингиз тугаётган бўлса, янги муддатга яна шартнома тузишингиз мумкин. Страхованиe шартлари ва шартномалар тузиш қоидалари билан Госстрах район (шаҳар) инспекцияларида ёки Госстрах агентн орқали танишиш мумкин.

* * *

А. РАҲИМОВА, Ў. ҚОСИМОВ, Х. ТОЖИЕВ ва бошқалар: Бизларни васий ва ҳомийларнинг граждан-лик-ҳуқуқий мажбуриятлари қандай экалигиҳ қизиқтиради. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Васийлар васийликдаги шахсларнинг қонуний вакиллари бўлиб ҳисобланадилар ва улар номидан ҳамда уларнинг манфаатини кўзлаб барча зарур битимларни тузадилар.

Ҳомийлар ҳомийликда бўлган шахсларга уларнинг ўқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда кўмаклашадилар, шунингдек уларнинг ҳуқуқларини учинчи шахслар томонидан суиистеъмол этилишидан ҳимоя қиладилар.

Ўн беш ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг ҳомийлари Ўзбекистон ССР Гражданлик кодексининг 14-моддасига мувофиқ вояга етмаган шахс мустақил равишда тузишга ҳақли бўлмаган битимларни тузиши учун розилик берадилар.

Муомала лаёқати чекланган шахсга тайинланган ҳомий Ўзбекистон ССР Гражданлик кодекси 16-моддасига мувофиқ, мазкур шахснинг ўзига тегишли бўлган иш ҳақи, пенсия ва бошқа турдаги даромадларни олиши, уларни тасарруф қилиши, шунингдек, майда-маиший битимларни таиқари барча мулкий битимларни тузиши учун розилик беради.

* * *

Ш. МАННОПОВ: Мен институтни тугаллаганимдан кейин шаҳарда ишда қолдим. Бундай ҳолларда ёш мутахассис сифатида менга навбатдан ташқари квартира беришларини талаб қилишга ҳақлиманми?

Жавоб: Бу ерда шуни айтиш керакки, олий ва ўрта махсус ўқув юртларини тугаллаган ёш мутахассисларга амалдаги қоидаларга мувофиқ, агар уларга тақсимлаш комиссиясининг қарорига биноан ўзлари истиқомат қиладиган жойга ишга йўлланма олмай, балки бошқа жойга ишга борсалар, бундай ҳолларда уларга уй-жой бериладн. Ёш мутахассис сифатида Сизга навбатдан ташқари квартира беришларини талаб қилишингиз масаласига келганда, Сиз бундай ҳуқуққа эга эмассиз.

Илм масканларида

ҚИЗИҚАРЛИ ОЛИМПИАДА

Собир Раҳимов районидаги В. И. Ленин номли 28-мактаб ҳовлиси олимпиада ўтказилган кун эрта тонгдан гавжум бўлди. Бу ерга райондаги барча мактаблардан келган 8, 9 ва 10-синфларнинг ўқувчилари тўпланишди. Олимпиадага математикадан куч синаш учун 300 га яқин ёш математик қатнашди.

— Бу йилги ёш математиклар олимпиадаси доҳиймиз В. И. Ленинниг 110 йиллигига бағишлаб ўтказилди, — дейди Собир Раҳимов район халқ маорифи бўлимининг методисти, олимпиада раиси А. А. Аҳмедова. — Ўнинчи синфлар бўйича биринчи ўринни 28 бал тўплаган 233-мактаб ўқувчиси О. Окучкова эътибор берди. Ўқувчи ва 28-мактаб ўқувчиси М. Мирзаева, 9-синфлар бўйича 15 бал тўплаган 10-мактаб ўқувчиси И. Хаметов, 8-синфлар бўйича 14 бал тўплаган 233-мактаб ўқувчиси И. Чернявскийлар олишди.

Ғолиб чиққан ўқувчилар, шунингдек иккинчи ўринларни эгаллашган тўққиз ўқувчи шаҳар ёш математиклар олимпиадасида қатнашишга йўлланма олдилар.

Математика дан олимпиада ўтказилган шу куни физика фани бўйича ҳам районда олимпиада бўлиб ўтди ва 13 ўқувчи физикадан шаҳар олимпиадасига қатнашиш ҳуқуқини олдилар.

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ.
СУРАТДА: математика олимпиадаси конкурси жюри аъзоси, 1-мактабнинг математика ўқитувчиси С. Қаюмова ўқувчиларнинг ишларини текширмоқда.

Автор фотоси.



ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ СИЁСИЙ КЛУБИ

Тошкентдаги 241-мактабда «Глобус» деб номлаган сиёсий клуб ташкил этилган. Ёш пропагандистлар ўз олдиларига ўқувчиларнинг В. И. Ленин ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги билимларини кенгайтириб, чуқурлаштириш вазифасини қўйишган. Клубга тарих ўқитувчиси И. Ю. Турсунов раҳбарлик қилмоқда.

Клуб юқори синф ўқувчиларини бирлаштирди. Болалар унинг мажлисларида доҳийнинг назарий меросини ўзлаштирмоқдалар, партия ва ҳукуматнинг тарихий ҳужжатларини, Ленин комсомоли ва пионер ташкилотининг тарихини ўрганмоқдалар, халқаро ҳаёт воқеаларини муҳокама қилмоқдалар. Улар лекция ва рефератлар тайёрлаб, музокара ва суҳбатлар ўтказишни ўрганмоқдалар.

Ёш пропагандистлар ўзларининг кичик ўртоқлари ҳузурида келинги вақтларда «В. И. Ленинниг чет элларда ги ҳаётидан саҳифалар», «Янги типдаги партия учун кураш», «Ленин номи билан яшаймиз» деган мавзуларда лекциялар ўқидилар.

Мактабдаги савол ва жавоб кечалари, махсус Ленин дарсларини ўтказиш «Глобус» активлари учун ўзига хос тажрибага айланди. 4-«Б» синфида «Биз Ильич набирамиз» деган мавзуда дарс ўтказилди. Бу дарсни ташкил этиш ва муваффақиятли ўтказишда ўқитувчи С. И. Султоновага опа-ука Ҳўжаевлар кўмаклашишди. Сайёра ўнинчи синфда, Баҳодир эса тўққизинчи синфда ўқийди. Уларнинг иккови ҳам энг актив пропагандистлар ҳисобланади.

«Глобус» клубининг аъзолари мактабда В. И. Ленин музейини ташкил этиш борасида катта иш олиб боришмоқда. Улар музейни жаҳон пролетариатининг доҳийси туғилган кунининг 110 йиллигига очишни мўлжалламоқдалар.

(ЎзТАГ).

Санъатнинг сеҳрли олами

МАЗМУНЛИ ҲАЁТ ЙЎЛИ

Ўзбекистон ССР Театр жамияти правлениесининг актёрлар уйида «Биз уларни яхши билар эдик» мавзуида республикамиз театр санъатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган талантли санъаткорларга бағишланган кечалар мунтазам ўтказилмоқда.

Навбатдаги тадбир Ўзбекистон ССР халқ артисти Карим Зокировнинг хотирасига бағишланди. Алишер Навоий номли Ўзбек Давлат Катта академик театрида узоқ йиллар мобайнида баракали ижод қилган бу санъаткорнинг номи маданиятимиз тарихидан муносиб ўрин олган. У ана шу театрда «Ҳалима», «Гулсара», «Ҳамза», «Майсаранинг иши», «Фарҳод ва Ширин», «Тоҳир ва Зуҳра», «Зайнаб ва Омон», «Дилором», «Бўрон», «Пиковая дама» операларида қатор ёркин образлар яратган эди.

Хотира кечасига Карим Зокиров билан бирга меҳнат қилган санъаткорларнинг катта давраси тўпланди. СССР халқ артисти Тамарахоним, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Соҳиб Ҳўжаев, Қудрат Ҳўжаев, Манас Левиев, Фазлиддин Шамсиддинов, Ғулом Абдурахмонов, театр жамияти правлениеси раисининг биринчи ўринбосари Раҳим Мажидов санъаткор ҳақидаги хотираларни гапириб бердилар.

Ҳамза номли санъатшунослик институтининг илмий ходими, санъатшунослик фанлари кандидати М. Ҳамидов Карим Зокировнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида доклад қилди.

Ҳамшаҳарларимиз хизматида

ТЕЛЕФОН ИШЛАМАЙ ҚОЛСА

Айтайлик, бирдан ўйингиздаги телефон ишламай қолди. Бундай ҳолларда Сиз районлардаги тегишли автомат телефон станцияларига мурожаат қилиб, устапар хизматидан фойдаланишингиз мумкин. Хўш, қайси рақам билан бошланадиган телефон бузилиб қолган ҳолларда қаерга мурожаат қилиш мумкин? 33, 35 рақами билан бошланадиган телефонлар ишламай қолганда 35-99-11 телефонига; 41, 44, 46, 48 рақами билан бошланадиган телефонлар ишламай қолганда эса 48-99-11 рақамли телефонга; 76, 77, 78 рақами билан бошланадиган телефонлар носоз бўлган ҳолларда 78-19-00 рақамли телефонга; 90, 91, 96 рақами билан бошланадиган телефонлар ишламаганда эса, 91-64-64 телефонига; 62, 66 рақами билан бошланадиган телефонлар бузилганда 62-64-64 телефонга; 64 рақами билан бошланадиган телефон ишламай қолган кезларда эса 64-19-00 телефонига қўнғироқ қилсангиз ремонт бюросидаги ҳизматчилар телефонингизни тузатиб беришади.

Уй-рузғор ташвишида

ҚАЙСИ БЎЁҚ ЯХШИ?

Мойли ва эмалли бўёқлар билан эшик, деразе ромларн ва токча тахталари, пол, асосий иситиш трубалари, баллон четидаги темирларни бўяш жуда қулай. Агар труба ва ромлар олдин бўялган бўлса, уни 2— 5 процентли сода эритмаси ёки совун қўшилган иссиқ сув билан ювиб ташлаш керак. Акс ҳолда янги бўёқ яхши ёпиштирамайди, шунингдек кейинчалик тез кўчиб кетади.

Мойлаш вақтида чўтканн юқоридан пастга шундай юргазиш керакки, ундан бўёқ оқиб кетмасин. Бунинг учун у яхши ғалаштирилган бўлиши керак.

3 Тошкент бет оқшоми

21 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.



Маҳаллада учрашув

Куни-кеча пойтахтимизнинг Собир Раҳимов районидаги Шумилов маҳалла клубида Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунининг 62 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Кечани маҳалла комитетининг раиси, 23-мактаб директори ўринбосари Тўхта Акбаров очиб, йиғилганларни шонли сана—Совет Армияси куни билан қизғин қутлади.

Биринчи ўзбек генерали, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Собир Раҳимов бош бўлган дивизия жангчиси, истеъфодаги полковник Ефим Викторович Кримонт маҳалла аҳолисита она-Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жанг хотиралари ҳақида мароқ билан ҳикоя қилиб берди.

Шундан кейин район соғлиқни сақлаш бўлимининг санитария маорифи уйи врач-методисти Азиза Назарова маҳаллада истиқомат қилувчи Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва инвалидларига кўрсатилаётган медицина ёрдами тўғрисида сўзлади.

Учрашувда маҳалла активларидан физкультура институтининг декани, доцент Фатҳиддин Насриддинов, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, маҳалла комитети раиси ўринбосари Вали ота Ҳайдаров ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Кеча сўнгида М. Горький номли маданият уйи бадиий ҳаваскорлари концерт қўйиб беришди.

Ҳ. ШОДИЕВ.

СУРАТДА: Улуғ Ватан уруши қатнашчилари (чапдан) Мирҳалил Ҳайдаров, Раҳим Тўлаганов, полковник Ефим Викторович Кримонт, Пўлат Олимхўжаев, запасдаги старшина, Қизил Юлдуз ордени кавалери Ҳамид Назаровлар жанговар йиллар ҳақида суҳбатлашишмоқда.

Автор фотоси.

✦ ОЛИМЛАР БАҲСИ НИМАНИ БИЛДИРАДИ?

Дава СОБЕЛ, «Нью-Йорк таймс».

МАЙМУН ГАПИРА ОЛАДИМИ?



● ШИМПАНЗЕНИНГ АҚЛИ НАРИ БОРСА ИТЧАЛИК ● ГАП ЮҚМАС «БОЛА» ● БАРИБИР «ОДАМ БЎЛОЛМАЙДИ».

Колумбия университетининг олими Герберт Террес 13 йил мобайнида горилла ва шимпанзелар устида олиб борган тажрибалар тадқиқотчини шубҳага солиб қўйди. У маймунларни инсон тилида гапиришга ўргатиш устида тажриба қилиб кўрган эди. Олим маймунлар нари борса эгасининг буйруғи билан ўтириб турадиган ёки кетидан эргашадиган ит даражасида онгли ҳаракат қилишдан нарига ўтолмаслигини исботлади. Тадқиқотчилар инсон тили мутлақо ноёбми-йўқми деган масала устида кенг баҳслар олиб боришни чеклаб қўя қолиш ҳам мумкин, деб баёнот бермоқдалар.

Доктор Тебрес тўрт йил мобайнида Ним лақабли шимпанзени турли белгилар билан гапиртиришга ўргатмоқчи бўлган эди. Энди олим ўзи ва бошқа тадқиқотчиларнинг тажрибаларидан келиб чиқиб, маймунлар бу борада эришган «муваффақият» нари борса қўлга киритилган натижаларни нотўғри тушунтиришдан бошқа нарса эмаслигини баён қилди. «Маймунларнинг гапириши»,—деди олим,—одатдаги қўлга ўргатиш сингари тажрибадан бошқа нарса эмас. Лекин онгли нутқ фақат инсонгагина хосдир».

Доктор Террес яна шуни таъкидлайдики, айрим маймунлар хотирасининг яхшилиги туфайли анча катта сўзлар запасига эга бўлади. Лекин улар бу сўзларни қўшиб сингди жумлалар тузишга қодир эмас. Ҳолбуки тил деганда биз худди мана шу нарсани тушунамиз.

Дастлабки тажрибада тадқиқотчилар Нимни худди ёш бола сингари одамлар оиласида боқа бошладилар. Олим маймун боласи ҳам ўзига кўрсатилаётган турли белгилардан худди ёш бола сингари тили чиқиши мумкин деб умид қилган эди.

Доктор Терресининг ҳисоботига қараганда маҳаллада истиқомат қилувчи Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва инвалидларига кўрсатилаётган медицина ёрдами тўғрисида сўзлади.

Учрашувда маҳалла активларидан физкультура институтининг декани, доцент Фатҳиддин Насриддинов, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, маҳалла комитети раиси ўринбосари Вали ота Ҳайдаров ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Кеча сўнгида М. Горький номли маданият уйи бадиий ҳаваскорлари концерт қўйиб беришди.

Ҳ. ШОДИЕВ.

СУРАТДА: Улуғ Ватан уруши қатнашчилари (чапдан) Мирҳалил Ҳайдаров, Раҳим Тўлаганов, полковник Ефим Викторович Кримонт, Пўлат Олимхўжаев, запасдаги старшина, Қизил Юлдуз ордени кавалери Ҳамид Назаровлар жанговар йиллар ҳақида суҳбатлашишмоқда.

Автор фотоси.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 21/II да **Князь Игорь**, 22/II да **Концерт**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/II да **Соқов рицарь**, 22/II да **Рўйхатларда йўқ**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 21/II да **Олтин камар**, 22/II да **Нурхон**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/II **Можаро** (19.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 24/II гача **«УРГАТИЛГАН ТИМ. СОҲЛАР; ИЛОНЛАР БИЛАН РАҚС; БЎҒМА ИЛОН БИЛАН ОЛИШУВ»** ноёб номериннг хайрлашув гаст. роллари (19.30).

КИНО

22 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ЖАСОРАТ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.

«ЭФИР СОҚЧИЛАРИ» — Чайка.

«ДЕНГИЗ ОФИЦЕРЛАРИ»— Қозогистон.

«ТИНЧЛИК СОЛДАТИ»— Навоий номли.

«ЛЕНИН ВА КРУПСКАЯ» — Дружба.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ПЎЛАТ ҚАНОТЛАР ҚИССАСИ» — Чайка (12, 15, 18, 21.00, жавоб берувчи автомат 77-06-20), Москва (11.30 14, 17, 20.00, жавоб берувчи автомат 33-05-01), Нукус (11, 12.30, 16, 18.30, 20.45, жавоб берувчи автомат 46-70-69).

«ГАПЛАШИБ ОЛАЙЛИК, АКА...» Қозогистон (12, 13, 16, 17, 20.00, жавоб берувчи автомат 35-25-92), Тошкент Советининг 50 йиллиги номли (11.30, 14, 16.30 17, 21.30, жавоб берувчи автомат 78-47-25), Дружба (13, 14, 16, 17, 20.00, жавоб берувчи автомат 66-15-75), Ҳамза номли (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45), Навоий номли (11, 14, 17, 19.00), Кўпча (11, 14, 17, 20.30).

«САВОЙЯ»НИНГ ЎҒИРЛАНИШИ» —Лисунов номли (тоқ соатларда, телефон 96-68-60), Искра (16, 18, 19.45, телефон 39-11-76), Мир (тоқ соатларда), Тинчлик (13, 15, 17, 19, 21.00, телефон 53-85-87).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

27 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

МОСКВА КАТТА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

ПРОГРАММАДА:

«ШЕРЛАР ОРАСИДА»

(Бербер шерлари)

ПИРИҚ СОВЕТ АТТРАКЦИОНИ

Ўргатувчи— цирк санъатининг Бутуниттифоқ кўриги лауреати ва Бутуниттифоқ конкурсининг дипломанти Борис БИРЮҚОВ.

РСФСРда ва Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист Эрбек КАНТЕМИРОВ раҳбарлигидаги «АЛИБЕК»

ОСЕТИЯ ЙИГИТЛАРИ АТТРАКЦИОНИ

ПАУЗАЛАРДА — янги репризалар, масхарабозликлар, интермедияларнинг ижрочиси, масхарабоз-Мим, Арманистон ССРда хизмат кўрсатган артист Вилен МЕЛИКЖАНЯНнинг чиқишлари.

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

44-35-84, 44-35-91 телефон номерлари бўйича коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Ўзбек давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

26 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 ДА

БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ ҚОЛЛЕКТИВЛАР КЎРИГИ-КОНКУРСИНИНГ ЛАУРЕАТИ «ШОДЛИК» АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Дилбар ФАЁЗОВА

Солистлар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Дилором ҚАЮМОВА, Ҳавасхон ҲОЖИЕВА, Бахтиёр ХОЛХЎЖАЕВ, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Нарзиддин ШЕРМАТОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари — Қодир МЎМИНОВ.

Музика раҳбари— Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан, шанба ва якшанба кунлари соат 10.00 дан сотилади.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

БАЙРАМ СОВҒАЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ УЧУН «ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» МАГАЗИНЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

БАЙРАМ АРАФАСИДА БУ ЕРДА ЭРКАКЛАР ТАЙЁР КИЙИМЛАРИНИНГ КЕНГ САВДОСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг костюмлари бежиримлиги билан диққатни жалб этади. Савдода баҳоси 70 сўмдан 100 сўмгача бўлган жун ҳамда жун ва лавсан газламадан тикилган костюмлар бор.

Куртка сўнгги вақтларда кийимларнинг энг оммавий турларидан бири бўлиб қолди. Уларни ёшлар ҳам, катталар ҳам яхши кўриб кийишади. «Балонья» газламасидан тикилган енгил ва ихчам курткалар ёғин-сочинли кунларда айниқса қўл келади. «Болонья» газламаси нам ўтказмайди.

Бундан ташқари «Таштекстильшвейторг» магазинларида Андижондаги Володарский номли тикувчилик фабрикаси ва Октябрь 50 йиллиги номли Сергели тикувчилик бирлашмасининг маҳсулотлари — жундан ва жун қўшилган газламалардан тикилган ранг-баранг шимлар, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ипакли ва ип газламалардан тикилган турли рангдаги эркакларнинг кўйлаклари мавжуд.

Шимларнинг баҳоси 20 сўмдан — 30 сўмгача, кўйлакларнинг баҳоси 5 сўмдан — 15 сўмгача.

Агарда газлама харид қилмоқчи бўлсангиз, магазинларимизда албатта ўз истаганингизни топишингиз мумкин. Бу йилги мавсумда йўл-йўл, катак, сидирға жун ва жун қўшилган газламалар модада. Бу газламалардан эркаклар учун костюм ёки шим, аёллар учун кўйлак, юбка ёки сарафан тикиш мумкин.

ШУ ҚУННИНГ МОДАСИ НИМАЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ?

Эслатиб ўтамиз, Олимпиада йилида ҳамон спорт услуби мода дадир. Мана бир неча йиллардан бери серҳаракат турмушимиз уни пухта ўзлаштирмоқда. Кийимнинг кўп қаватлиги ҳам модада. Шунинг учун ҳар бир хотин-қизнинг кийимлари орасида «сафари» типидаги кўйлак бўлиши лозим. Бундай кўйлакни кенг ёки бели бироз торайтирилган, реглан ёки чокли узун ёки калта енгли, катта ёки тик ёқали қилиб тикиш мумкин. Уларни манзарали чоклар ёки фурнитура билан безаш мумкин. Бундай кўйлак юпқа свитер, «водолазка», сидирға ёки гулли кофта билан кийилганда чиройли кўринади.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» МАГАЗИНЛАРИНИНГ АДРЕСЛАРИ:

1— «Кийимлар уйи»—Ш. Руставели кўчаси, 13;

7 — Олмазор кўчаси, 169 «а»;

8 — Муқимий кўчаси, 23;

9, 10 — Олой бозори;

9/16— Олой бозори;

12 — М. Горький майдони, 54;

15 — 2/4 Қорақамиш массиви, 45;

18, 19 — Октябрь бозори;

36 — Новомосковская кўчаси, 17;

47 — Новомосковская кўчаси, 18;

39 — 4-турар жой шаҳарчаси, 23 Партсъезд кўчаси, 22;

40 — Халқлар дўстлиги проспекти, 34;


43 — Ленин проспекти, Марказ—5, 67-уй;

53 — 1/2 Қорақамиш массиви, 7-уй;

65 — Куйбишев шоссеси, 844;

69— Чехов кўчаси, 4«а»;

74— Госпиталь бозори.



«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» «УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

СОВҒА—ҲУРМАТ БЕЛГИСИ

23 ФЕВРАЛЬ — УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ.



Отамизга, турмуш ўртоғимизга, укаларимизга қандай совға қилиш керак?— Ана шу савол байрам арафасида ҳар биримизни ҳаяжонга солади.

АГАР СИЗ

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИГА КИРСАНГИЗ АНА ШУ ВАЗИФАНИ ҲАЛ ҚИЛАСИЗ.

Бу ердан Сиз байрамга ажойиб совғалар харид қилишингиз мумкин. «ТИКУВЧИЛИК БУЮМЛАРИ» бўлимида эркакларнинг узун енгли, гулдор ва сидирға ип-газламадан, шойи, трикотаждан тикилган кўйлакларининг хилма-хиллари бор.

Галстук эркаклар учун зарур. Галстук ҳам эркакларга яхши совға бўла олади. Галантерея бўлимида Сиз ҳар қандай костюмга мос келадиган сидирға, гулдор, йўл-йўл галстуклар танлашингиз мумкин.

«СУВЕНИР»лар секциясидан ёғочга ишланган панно, металл, пластмасса, суяк, ёғочдан ишланган совғалар, сопол идишлар, қутича, шамдон каби қиммат бўлмаган буюмларни харид қилишингиз мумкин.

Байрамда соат, электр устара, портфель, чиройли сумка, пойафзал, костюм, шим, юбка, сарафан, блузка, кўйлакбоп газламаларни совға қилиш нақадар яхши.

Ниҳоят, упа-элик ва косметикани унутманг. Фрунзе савдо марказининг савдо залларидан атир, одеколон, лосьонлар, крем, упа, лаб бўёғи, соқол олишда ва олгандан кейин суриладиган кремлар харид қилишингиз мумкин.

СОВҒАНИНГ ХИЛИ КЎП!

АЙТГАНЛАРИДЕК, ГАП СОВҒАНИНГ ҚИЙМАТИДА ЭМАС, ҚАДРИДА.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ СИЗЛАРНИ КЕЛАЁТГАН БАЙРАМ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ ҲАМДА САВДО ЗАЛЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

21 ФЕВРАЛЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.35 XIII қишки Олимпия ўйинларида. Хоккей. СССР —Канада терма командалари. Танаффус пайтида (18.15) — «Дунё воқеалари». Информацион кўрсатув. 19.35 Т. Хренников 3-симфония. Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг катта симфоник оркестри чалади. Дирижёр— РСФСР халқ артисти В. Федосеев. 19.55 Москва шаҳар Фрунзе сайлов округи сайловчиларининг РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод ўртоқ А. Н. Косигин билан учрашуви. Концерт. ССР Иттифоқи Давлат Академик Большой театридан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Қоровбо ва ёз». Болалар учун мультфильм. 17.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 18.20 «Меҳнат интизоми— ишчининг виждони». 18.40 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 18.55 «Дирижёр ҳикоя қилади». Кўрсатувни Ўзбекистон ССР халқ артисти З. Ҳақназаров олиб боради. 19.35 «Ахборот» информацион программаси. 19.55 Москва. Москва шаҳар Фрунзе сайлов округи сайловчиларининг РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод ўртоқ А. Н. Косигин билан учрашуви. Концерт. ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театридан олиб кўрсатилади. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

22 ФЕВРАЛЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.50 XIII қишки Олимпия ўйинларида. 10.10 «Киносаёҳатчилар клуби». 11.15 XIII қишки Олимпия ўйинларида. Чанғи спорти. 4x5 км. лик эстафета, Аёллар. Конькида югуриш спорти. 1500 м. Эркаклар. Кўрсатув тугагач (12.45— 12.50) — Янгиликлар. 15.05 Янгиликлар. 15.25 «Келажакка интилган ўлка». Ҳужжатли фильм (Свердловск киностудияси). 16.05 «Жонажон табиат». 16.30 «Шахмат мактаби». 17.00 «Москва ва москвaликлар». 17.20 Д. Фурманов. «Чапаев».

18.05 XIII қишки Олимпия ўйинларида. Фигурали учиш. Эркаклар. Ихтиёрий программа. 19.05 «Дунё воқеалари». 19.20 П. И. Чайковский. «Скрипка ва оркестр ижроси учун концерт. Солист — РСФСР халқ артисти В. Климов. Москва Давлат филармониясининг академик симфоник оркестри ижро этади. Дирижёр—РСФСР халқ артисти Д. Китаенко. 19.55 Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчиларининг РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод ўртоқ Л. И. Брежнев билан учрашуви. Концерт. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 - Л. Н. Толстой қадамжолари бўйлаб. «Ясная Поляна». Рус адабиётидан ўқув кўрсатуви. 12.00 Болалар учун. «Қувноқ нотачалар». 12.45 «Белое» қишлоғилик бўз бола». Телевизион ҳужжатли фильм (рус.). 13.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Камалак». 13.45 «Қор маликаси». Бадиий фильм. 15.10 «Замандас» программаси.

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 «Тяп ва Мика». Болалар учун мультфильм. 17.55 Студентлар қурилиш отряди —79». Телевизион киножурнал (рус.). 18.10 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 18.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Унутилмас саҳифалар». Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига бағишланган кўрсатув. 19.05 «Ахборот» информацион программаси. 19.25 «Куйла, Сенобар». Фильм-концерт. 19.55 Москва. Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчиларининг РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод ўртоқ Л. И. Брежнев билан учрашуви. Концерт. Кремль Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Халқ хизматида» (рус.). 20.55 Ўқитувчилар учун консультация. 21.25 Абитуриентлар учун. Математика. 22.25 «Романтика» телевизион театри. Н. Мирошниченко. «Учинчи авлод». 2-қисм.

Тошкент область ижроия комитетининг МЕҲНАТ БЎИЧА БЎЛИМИ БАҲОРГИ-ЕЗГИ МАВСУМГА балиқни қайта ишлаш учун «ГЛАВКАМЧАТРИБПРОМ»га ИШЧИЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ 6 ОЙГА ТУЗИЛАДИ.

Биринчи партия 27 мартда жўнатилади.

Справкалар учун Тошкент областининг шаҳар ва районларидаги меҳнат бўйича органларига, Тошкент шаҳрида эса Привокзальная кўчаси, 30-уйга мурожаат қилинсин.

ШЕЪРИЯТ КЕЧАСИ

Тўқимачилар маданият саройида Ўзбекистон ёш шоирларининг Тошкент тўқимачилик комбинатининг меҳнаткашлари билан учрашуви бўлди. Учрашувда Ленин тўғрисидаги, СССР шонли Қуролли кучлари, Совет кишиларининг тинч бунёдкор меҳнати ҳақидаги шеърлар янгради. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари Абдулла Орипов, Муҳаммад Али ва бошқа адиблар ўзларининг янги асарларини ўқиб бердилар, ижодий режалари ҳақида гапирдилар.

Бу, шеърият кечаси республика ёзувчилар союзи ташкил этган адабий кечалар туркуми программасига биноан ўтказилди. Адабий учрашувлар Владимир Ильич Ленин таваллудининг 110 йиллигига, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига бағишланган.

ЎзТАГ.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги— 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари—32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот— 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари— 33-90-50.

21 ФЕВРАЛЬ, 1980 й. Р. 07091. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Б—2061.